

“Фарғонаазот” АЖ устав капиталдаги 51 фоиз акцияларини салоҳиятли инвесторларнинг энг яхши таклифларини танлаш йўли билан сотиш муддати узайтирилди

// 05.11.2020

<https://uzkimyosanoat.uz/uz/press/tender/farazot-stock-2021>

“Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамияти мамлакатимизда амалда бўлган пандемия шароитида ташкилот тизимидаги “Фарғонаазот” АЖ устав капиталнинг 51 фоиз акция пакетини инвестиция киритиш шarti билан сотиш муддати 2021 йил 1 апрелгача узайтирилганлигини маълум қилади.

“Фарғонаазот” АЖ устав капиталнинг 51 фоиз (48,05 фоиз – давлат улуши ва 2,95 фоиз “Ўзкимёсаноат” АЖ улуши) акция пакети Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сонли “Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибadorлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Давлат тендер комиссиясининг қарорига асосан инвестиция киритиш шarti билан сотилади.

Давлат мулкни сотишда тендер савдолари ўтказиш бўйича Давлат комиссиясининг қарори билан (2019 йил 30 сентябрь, №02/1-1328) “Фарғонаазот” АЖнинг улушини сотиш шartларига, “Ernst&Young Advisory” МЧЖ инвестиция маслаҳатчиси иштирокида салоҳиятли инвесторларнинг энг яхши таклифларини танлаш йўли билан улушни сотиш кўзда тутилган.

“Фарғонаазот” АЖ устав капиталнинг 51 фоиз акция пакетини сотиш муддати узайтирилганлиги муносабати билан барча хорижий инвесторларни ўз сармояларини янада кўпайтиришга ва мамлакатимиз кимё саноати ривожига ўз хиссасини қўшишга чорлаб қоламиз.

Батафсил маълумот учун қўйидаги манзилларга мурожаат этишингиз мумкин:

“Ўзкимёсаноат” АЖ, Тошкент ш., Навоий кўчаси 38.

Тел: +998(78) 140-74-02. Веб-сайт: www.uzkimyosanoat.uz, электрон почта манзили: project_rafael@uks.uz

Сотувчининг инвестицион маслаҳатчиси: **“Ernst & Young Advisory” МЧЖ**, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Мустақиллик шоҳ кўчаси 75, “Инконель” Бизнес маркази. Тел: +998(78) 140-64-10, Веб-сайт: www.ey.com/uz/en/home, электрон почта манзили: tashkent@uz.ey.com

Давлат активларини бошқариш агентлиги, Тошкент ш., Амир Темур шоҳ кўчаси 6. Тел: +998(71) 259-22-10, 259-22-02, 259-20-70,

Факс: +998(71) 239-47-84, Веб-сайт: www.davaktiv.uz, электрон почта манзили: info@davaktiv.uz